

**АРАБШОҲИЙЛАР ДАВРИ ХОНИ АБУЛҒОЗИЙ БАҲОДИРХОННИНГ ҲАЁТИ,  
ХОНЛИҚДАГИ БОШҚАРУВ ИСЛОҲОТЛАРИ, ТАРИХИЙ АСАРЛАРИ ВА ХОНЛИК  
ҲУНАРМАНДЧИЛИГИ**

**Матякубов Холбек Шоназарович**

*Хива Ичон қалъа музей- қўриқхонаси  
ҳунармандчилик бўлими мудири*

**Аннотация:** *Ушбу мақолада муаллиф XVII-асрнинг ўрталаридаги Арабшоҳийлар даврида Хива хонлигидаги ижтимоий-сиёсий аҳвол, шунингдек Хива хони Абулғозий Баҳодирхоннинг ҳаёти, хонликдаги бошқарув ислоҳоти, илмий ижоди ва ўша даврдаги халқ ҳунармандчилигининг ҳолати ҳақида маълумотлар беради.*

**Калит сўзлар:** *Хива хонлиги, Исфандиёрхон, Абулғозий Баҳодирхон, Янги Урганч, Орол, Иноқлар, Шажараи тарокама, Шажараи турк, бошқарув тизими, туркманлар, ислоҳотлар, Амударё, қурилиш, ҳунармандчилик, меъморчилик, ёғочсозлик, кошинпазлик, сополчилик.*

Буюк ипак йўли чорраҳасида жойлашган Кўҳна Хоразм ҳудудида қадим ўтган даврларда ўзига ҳос турли цивилизациялар вужудга келган. Ушбу қадимий ўлка фан ва маданият маркази сифатида бутун дунёга донг таратган бўлиб, бу ерда ҳайратомуз гўзалликка эга шаҳарлар барпо этилган, бу заминда буюк математиклар, астрономлар, табиблар, тарихчилар, қомусий олимлар, шоирлар ва етук алломалар яшаб ижод қилган. XVI-асрнинг охири XVII-аср бошларига келиб Хоразмда ўзбек хонларининг ҳукмронлиги мустахкамланиб, мамлакатнинг иктисодий-ижтимоий ва сиёсий ҳаёти Амударё ўзанининг Каспийдан Орол денгизи томон ўзгариши натижасида жанубга силжиши, Хонлик маркази ҳисобланган Хива шаҳрининг сезиларли равишда ривожланишига олиб келди. Араб Муҳаммадхон отаси Хожи Муҳаммадхон (Хожимхон)дан сўнг 1602 йилда Хива дорулсалтанатига (дорус-пойтахт, подшоҳ яшайдиган шаҳар) хон бўлди. Академик Я.Фулломов- “Араб Муҳаммадхон даврида марказни Хива шаҳрига кўчирганлар, шу даврдан бошлаб хонлик Хива хонлиги номини олди”[1],-деб ёзади. Араб Муҳаммадхоннинг етти ўғли бор эди: булар Исфандиёрхон, Хабаш султон, Элбарс султон, Абулғозихон, Шариф Муҳаммад султон, Хоразмшоҳ султон, Афғон султон. Булардан Исфандиёрхон ва Абулғозихон чингизий онадан туғилган эдилар. Араб Муҳаммадхондан кейин 1623-йилда катта ўғли Исфандиёрхон хонлик тахтини эгаллаб 1643-йилгача ҳукмронлик қилди. Абулғозий Баҳодирхон акаси Исфандиёрхондан кейин аста секинлик билан хонлик ҳудудларинини қўлга кирита бошлайди. Даставвал 1643-йилда Орол хонлигини эгаллагач, Орол ўзбекларига таяниб, Хива хонлиги устига юриш қилади, катта жанглار ва курашлар эвазига 1645 йилда Хива тахтини эгаллаб, ҳукмронликни узил кесил

қўлга киритиб, хонликни 1663-йилга қадар қарийб йигирма йилга яқин вақт мобайнида одилона бошқариб, хонлик худудида қатъий ва мустақкам тартиб ўрнатишга эришади. Олий насаб ва тожу-тахт соҳиби бўлган Абулғозий ибн Арабмұхаммад ҳижрий сана 1022 йил асад буржи 15-раббий-ул- аввал ойида, милодий сана 1603-йилнинг 23-августида Хоразм хонлиги пойтахти Урганчда дунёга келган бўлиб, ўзбек элининг қўнғирот уруғидандир. У ёшлигида ўз отасининг номи билан аталувчи Арабмұхаммадхон мадрасасида таҳсил олади. Ёш Абулғозий ўз ака-укалари ўртасида ўткир зеҳни, қобилияти ва зукколиги билан ажралиб турарди. Абулғозий болалик ва ўсмирлик йилларидан узоқ ва яқин қариндошлар айниқса ота-фарзанд, оға-инилари ўртасидаги тожу-тахт учун бошланган ўзаро курашлар гирдобига тушиб қолган бўлишига қарамай, замонасининг энг билимдон кишиларидан таълим олиб тарих, адабиёт ва табобатни қўнт билан ўрганди. Абулғозий ибн Арабмұхаммад 1644-1664-йилларда Хоразм тахтини эгаллаб, бутун умрини тахт учун кураш ва жангу- жадалларга бағишлаган ҳукмдор бўлган. Давлат арбоби сифатида ўта қобилиятли шахс саналган. Унинг ҳукмдорлик даврида давлат марказлашди. Мактаб ва мадрасалар қурилди, бир қанча каналлар янгидан ва қайта қурилди. Абулғозий тахтга ўтиргандан бир йил ўтгач 1646-йилда Хонақоҳнинг ғарб томонида бир қалъа қуриб, бу шаҳарга Янги Урганч номини берди ва унга Кўҳна Урганч аҳолисини кўчириб келтирди. Бугунги кундаги Хоразмнинг маркази ҳисобланган Урганч шаҳрининг барпо этилиши Абулғозий номи билан боғлиқ. Абулғозий ҳукмронликни қўлга киритганидан сўнг, хонликда янги бошқарув ислохотлари ўтказди, биринчи навбатда хонликнинг барча лавозимларини туркман йулбошчилари кўлидан олиб, ўзбек уруғларидан бўлган бошлиқларга берди. Хивалик тарихчи Шермұхаммад Муниснинг маълумот беришича Абулғозий маъмурий ислохотлар ўтказиб, хонлик бошқарув тизимини батамом янгитдан ташкил этди, унинг таъбири билан айтганда: “андоқким икки шайх ул-ислом, икки қози, бир раис Саид ота авлодидан, бир мутавалли, бир нақиб, тўрт оталиқ, тўрт иноқ, тўрт мироб, тўрт парвоначи, икки ока, икки арбоб, тўрт чиғатоий иноқи ва бир вазирким, холо меҳтар дерлар ва бир қўшбеги, бу иккови ўринсиз хон ҳузурида оёқ устида турадилар”[2]. “Абулғозихон ўзбекларнинг уруғларини бирлаштириб тўпа деб атади ва бу тўпаларнинг бошлиғи қилиб иноқлар белгиланди. Бундай тўпалар Хивада тўрттинани ташкил этган, энди аввалги шажара бошлиқлари (бийлар), уруғ оқсақоллари (оталиқлар) устидан янги бошлиқ-иноқ ҳукмрон бўлиб қолди. Уруғлар бирлаштирилгандан кейин уйғур-найман, қўнғирот-қиёт, нукус-манғит, қанғлиқ-қипчоқ тўпалари пайдо бўлди. Бу тўрт тўпанинг ичида энг кучлиси қўнғирот уруғи бўлиб унинг бошлиғи бўлган иноқнинг хонга ва мамлакат сиёсатида таъсири бирмунча кучли эди”[3]. Абулғозий ҳукмдор бўлиши билан бирга тарихчи, шоир ва табиб ҳамдир. Абулғозий Баходирхон тарихда ҳукмдор эмас балки йирик олим сифатида из қолдирди. “Бу факирга, -деб ёзган эди Абулғозий Баходирхон ўзининг Шажараи-турк асарида –“Худои таоло иноят қилиб кўб нимарса берган турур. Ҳусусан

уч ҳунар берган турур. Аввал, сипохигарликнинг қонун ва йусини ким, нечук отланмоқ ва юримак ва ёвга ясоқ ясамоқ, кўп бирлан юруганда нечук қилмоқ, оз бирлан юруганда нечук қилмоқ, дўстга, душманга нечук сўзлашмак. Иккинчи, маснавият ва қасойид ва ғазалиёт ва мукаттаот ва рубоийёт ва барча ашъорни фаҳмламаклик, арабий ва форсий ва туркий луғатларни маъносини билмаклик. Учинчи, Одам аҳдиндин то бу дамгача Арабистонда, Эрон ва Туронда ва Мўғулистонда ўтган подшоҳларнинг отлари ва умрларининг ва салтанатларининг кам ёки зиёдин билмаклик”[4]. Абулғозийхон икки йирик тарихий асар яратди, биттаси 1658-1661-йилларда ёзилган “Шажарайи тарокама” (Туркманлар шажараси) асари бўлиб, ўзи айтганидек туркманларнинг мулла, шайх, ва бекларининг илтимосибилан ёзилиб, бу асарида туркий қабилаларнинг ҳусусан туркман халқининг келиб чиқиши ҳақида қимматли маълумотлар берилади. Академик В.В.Бартольд “туркманлар ҳақида бундай махсус тарихий асар ҳеч бир бошка туркий халқларда йўқ”[5] деб асарнинг ноёблигини эътироф этиб ўтган. Иккинчи асари эса 1661-1663-йилларда ёзилган «Шажарайи турк» (Турклар шажараси) номи билан машҳур бўлиб, асарнинг ёзилиш сабаблари ҳақида муаллифнинг ўзи шундай деган: “Аmmo... бизнинг жамоатимизнинг Абдуллоҳхоннинг оталари бирлан бизнинг оталаримизнинг айрилган еридан то бизга келгунча тарихларини битмай эрдилар. Бу тарихни бир кишига таклиф қилали деб фикр қилдук. Ҳеч муносиб киши топмадук. Зарур бўлди. Ул сабабдан ўзимиз айтдук”[6]. Абулғозий Баҳодирхоннинг ушбу асарида Хива хонлигидаги ижтимоий ҳаёт, халқнинг турмуш кечириши, хонликдаги солиқ тизими, хонлар фаолиятидаги ўзига хос ижобий томонлар ва баъзи хатолар, ўзаро ички ва ташқи келишмовчиликлар ва урушлар ҳақидаги маълумотлар батафсил ёритилган. Шунингдек унинг тиббиётга оид «Манофеъ ул-инсон» (“Инсон саломатлиги учун фойдали нарсалар”) асари бўлиб, бу асар Абулғозий томонидан 1657 йилда ёзилган. Асар оддий халқ тушунадиган тилда ёзилган бўлиб, бу ҳақда Абулғозий ўзи шундай дейди: “Бу тарихни яхши ёмон барча билсин деб турк тили билан айтдум. Бир калима чигатой, форсий, арабийдан қўшмайман. Равшан бўлсин деб туркийни ҳам андоқ айтдимки беш яшар ўғлон ҳам тушунур”[7]. Бу асар ихчам маълумотнома шаклидаги ёзилган бўлиб, муаллиф яна ўз асарида қуйидаги фикрларни баён қилган: “Китобларни назарга келтириб эрдик, мақсади гоҳо топилур эрди ва гоҳо топилмас эрди, улким топилур эрди, ҳозир машаққат билан ўртага келур. Шул сабабдин, иллатга илож қилмоқ учун, мўътабар китоблардин тахлаб жам қилиб, ондин сўнг иллатларни баён қилдим”[8]. Абулғозий Баҳодирхон Хоразм хонлари ичида хонлик тахтини 1663-йилда ўз ихтиёри билан ўғли Анушахон ибн Абулғозийхонга тинч йўл билан топширган ягона ҳукмдор бўлиб, орадан кўп вақт ўтмай шу йилнинг апрель ойида 60 ёшида ҳақ раҳматига кетди. Абулғозийхон тарихда буюк ислохотчи ҳукмдор ва олим сифатида ном қолдирди. Ул мухтарам зотнинг жасади Хива шаҳридаги Пахлавон Махмуд мақбарасига дафн этилди. Хонлик ҳунармандчилиги тарихига Хоразмшоҳлар давридан бошлаб назар ташлайдиган бўлсак, бу даврга келиб

Хоразмдаги шаҳарларда йирик ҳунармандчилик марказлари пайдо бўлди. Ип, мато, гилам, шойи, мис ва темирдан қурол-аслаҳа, пичоқ тайёрлаш, шиша маҳсулотлар тайёрлаш авж олди. Бу даврдан бошлаб Хоразмда меъморчилик ва ҳунармандчилик бирмунча рижонланиб борди, чунки бу даврларда Хоразм маданий ҳаётида туб ўзгаришлар содир бўла бошлайди. Шаҳарлар қиёфаси ўзгаради саройлар, масжидлар, мадрасалар, мақбаралар, карвонсаройлар қурилди. Айниқса бино ва иншоотлар қурилишида ўймакорли устунлардан кенг фойдаланилган. Хоразмшоҳ Маъмун томонидан Урганчда қурилган бир сарой дарвозаси гўзаллиги ҳақида ал-Мақдисий шундай ёзади: “Хажжож дарвозаси ёнида ал-Маъмун қурдирган сарой бор. Саройнинг дарвозаси шу даражада ҳашамдорки, бутун Хуросонда гўзаллик жиҳатидан унга тенг келадигани дарвоза йўқдир”[9]. Хива шаҳридаги Ичон-қалъада жойлашган Жума масжиднинг энг қадимги устунлари X-асрда Амударё тошиб Киёт шаҳрини ювиб кетгандан сўнг мазкур шаҳар масжидидан олиб келиб ўрнатилган бўлиши мумкин деган тахминлар бор XI-XII-асрларда Хоразмда қурилиш ашёси сифатида меъморчилик беағида пишиқ ғишт, ўйма тоштарошлик, кошин, ганч ва ёғоч ўймакорлигидан фойдаланиш асосий ўрин эгаллади. Айнан бу даврга келиб Хоразмда халқ амалий санъати янада гуркираб ривожланди. Мураккаб нақш туридан бўлган геометрик нақш, яъни гирих нақши безакларда етакчи ўринни эгаллайди. Гирих нақши янада ривожланди. Ўрта асрларга оид ёғоч ўймакорлиги намуналари ўзининг бадий нафис табиий ашёлардан ишланганлиги билан кишини лол қолдиради. “Бу вақтда ҳашамдор дунёвий ва диний-маросимий иншоотлар қурилди, ганч ўймакорлиги безаклари, кошинлар, нақшу-нигорлар кенг қўлланилди, эшиклар ва устунларни ажойиб, бетакрор ўймакорлик саъати беаб турарди. Сирланмаган сопол буюмларнинг янги шакллари пайдо бўлиб, кошинпазликда эса сиркорлик технологияси такомиллашди, кошиндан шакллари хилма хил бўлган, сифати яхшиланган, аъло навли сопол идишлар тайёрланди”[10]. XIV-XV-асрларда эса Урганчда гўзал бозорлар, кенг кўчалар, кўплаб уйлар бўлган, масжид ва мадрасалар билан бир каторда саройлар, шифохоналар, бозорлар, турар жой бинолари ҳам бўлганлиги манбаларда тилга олинади. Шунингдек бу даврга келиб Хоразмда Хитой чиннисини эслатувчи ок сиртга нилий нақш тушириш услубидаги буюмлар кенг урф бўлади. Меъморчилик иншоотлари беағида эса сиркорлик янада кенгрок қўлланила бошлайди, кўк-мовий, оқ кошинли қопламалар пайдо бўлиб, янги услубга асос солинади. Археологик қазишмалар натижасида Хоразм ҳудудида Кўҳна Урганчдан XV-XVII-асрларга оид сирланган кошин косалар, Жампик қалъадан XIII-XIV-асрларга оид сирланган кошин ликопчалар, шунингдек мармардан ясалган ҳунармандчилик маҳсулотлари ҳам топилган бўлиб, булар IX-асрга оид Бургут қалъадан топилган мармар чироғдон, XV-асрга оид ислимий нақш ва ҳайвонлар тасвири ўйилган мармар чойнак, ўша даврга оид қора тошдан ясалган қозонча топилган. Бундан ташқари бу даврда мармардан ўйма ёзувли қабртошлар, ўйма устун пойлари тайёрланган. Хива шаҳридаги “Ичон-қалъа” музей-қўриқхонаси бўлимида

сақланаётган Исфандиёрхоннинг XVI-аср ёдгорлигига ҳос бўлган сандиқ услубидаги мрамор қабр тоши нафис ўсимликсимон ўйма нақшлар билан безатилган. XVII- асрга келиб эса хонликда шаҳарсозлик фаолияти тўхтаб, суғориладиган ерлар қисқариши натижасида, хўжалик ҳаёти издан чиқиб, минтақада савдо фаоллиги сусайди. Сирланган сопол буюмлар тайёрлаш маҳорати ва нақшлаш сифатлари пасайиб кетди. Ёзма манбаларнинг маълумот беришича, бу даврда заргарлар, ёғоч ўймакорлари, тоштарошлар, кандакорлар ишлаганлар, шиша ишлаб чиқариш сақланиб қолган, кўнчилик, ип-газлама ва шойи тўқимачилиги ривожланган аммо улар гулсиз, сидирға бўлган, айримларигина бир хил ранг ёки турли рангдаги йўл-йўл безак берилган. Хивада айниқса, Абулғозийнинг хонлик даврига келиб Хивада мис буюмлар ишлаб чиқариш ва унга нақш ўйиш санъати шунингдек маиший кулолчилик тез ривожланиб унинг мактаблари вужудга келган. Қурилиш ашёси сифатида меъморчилик беагида пишиқ ғишт, ўйма тоштарошлик, кошинпазлик, ёғоч ўймакорлигидан фойдаланиш анча ривожланди. Бу даврда қурилиб ҳунармандчиликнинг бир неча турлари асосида барпо этилган ва тилга олса арзугилик иншоотларга Хивадаги Араб Муҳаммадхон томонидан қуриб битказилган Араб Муҳаммад мадрасаси (1616 й) ва Абулғозий томонидан мураккаб тарх асосида қурилган Анушахон масжиди ва ҳаммоми (1657 й) яққол мисол бўла олади. Бу иншоотлар қурилишида ҳунармандчиликнинг юқорида айтилган пишиқ ғишторлик, кошинпазлик, ёғоч ўймакорлик, нақшинкорлик, ганчкорлик, тоштарошлик турларидан кенг фойдаланилган. Булардан ташқари бу даврга келиб Хива хонлигида ҳунармандлар томонидан мисдан ишланган ҳар хил турдаги буюмлар тунча, катта-кичик қозонлар, лаган, жом, идиш-тавоқ, қошиқ, чойнак, қумғон, сулопча, патнис ва бошқа халқ кундалик турмуш шароитида бирламчи зарур ашёлар аввало бозорларда савдо-сотиқни ривожлантирган, ҳунарманд ва савдогарлар орқали халқ кундалик турмушига кириб келди. Демак, Абулғозий Баҳодирхон даврига келиб ҳунармандчиликнинг кўпгина тармоқлари ривожланган бўлиб, бу тармоқлар хонликнинг иқтисодий ривожига ҳам ўз таъсирини кўрсата олган. Шаҳарлар ривожига буюртма билан ҳунармандчилик маҳсулотлари тайёрлаш ва бозорларда сотилишини, ҳунармандчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг жадал ўсишини, ҳунармандчилик маҳсулотлари товарга айланишини, товар айирбошлаш ва сотиш учун маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантирди. Абулғозий Баҳодирхоннинг Хива хонлигидаги давлат бошқаруви ва бебаҳо тарихий мероси, шунингдек халқимиз томонидан санъат асари даражасидаги яратилган ҳунармандчилик ва амалий санъат асарларининг бебаҳо дурдоналари биз юртдошларимизга қадимда ўтган буюк аجدодларимиз, ижодкор ва уста-ҳунарманд ота-боболаримизга нисбатан чексиз фахр-ифтихор ва ғурур баҳш этади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Гуламов. Я. Хоразмнинг сугорилиш тарихи. Тошкент. 1959 й. 207 б.
2. Огахий ва Мунис. Фирдавс-ул-икбол. Тошкент. 2010 й.
3. Худайбергенов. К. Хоразм хонлари. Тошкент Академнашр 2019. 95 б.
4. Абулғозий Баҳодирхон. “Шажарайи турк”. Т.: “Чўлпон”. 1992. - Б. 12.
5. Бартольд. В. В. Хорезмшахы Соч. Т. 2. Ч. 2. М. 1964. с. 547.
6. Абулғозий Баҳодирхон. “Шажарайи Тарокима”. Т.: 1995. - Б. 20.
7. Собиров. Р. Абулғозий Баҳодирхоннинг Манафеъ ул-инсон асари. Урганч. 1994 й.
8. История Хорезма с древнейших времен до наших дней. Тошкент. 1976. 102 б.
9. Вактурская. Н. Н. Классификация средневековой керамики Хорезма 9-12 в. в.
10. Керамика Хорезма. Под редакцией С. П. Толстова и М. Г. Воробьевой. Труды Хорезмской экспедиции. Том 4. М. 1959. 300 б.